Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 7 апрель, № 70 (7850) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни Корея Республикаси парламентининг Миллий Ассамблея Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Делегация таркибида мамлакатимизга спикердан ташқари Жанубий Корея парламентининг давлат бошқаруви, молиявий сиёсат, саноат, савдо, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари, маданият, спорт ва туризм каби устувор йўналишлар бўйича қўмиталарига аъзо 6 нафар депутат ҳам келган.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлар муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари фаол алмашинувлар давом этаётгани, кенг кўламли Ўзбекистон — Корея ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил бошида икки мамлакат етакчиларининг онлайн саммити муваффақиятли ўтказилди.

Пак Бён Сок самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президентига Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда глобал иқтисодий вазият мураккаб бўлиб турган бир пайтда ўзаро савдо ҳажми сақлаб қолинишига эришилаётгани таъкидланди. Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд янги инвестиция лойиҳалари тайёрланди. Умуман, Корея Республикасининг мамлакатимизга инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистонда коронавирус пандемиясига қарши курашда кореялик шериклар томонидан катта амалий кўмак кўрсатилгани учун миннатдорлик билдирилди.

Миллий Ассамблея Спикери ва депутатлари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлар учун, шунингдек, Сеулнинг Корея яриморолидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ҳаракатлари, Янги шимолий сиёсатни амалга ошириш доирасидаги минтақавий ташаббуслари қатъий қўллаб-қувватланаётгани учун Ўзбекистон Президентига самимий ташаккур изҳор этдилар.

"Корея Республикаси — Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми доирасидаги яқин мулоқотни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ва маданият, гуманитар алмашинув соҳаларидаги қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ТУРИЗМ, СПОРТ ВА МАДАНИЙ МЕРОС СОҲАЛАРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада туризм ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, инфратузилмани яхшилаш, туризм салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар саёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, яратилган имкониятларга қарамасдан туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларини ривожлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган, рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик, шу жумладан, хусусий секторнинг ушбу йўналишлардаги ролини ошириш бўйича ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд.

Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибага таяниб ушбу йўналишларда инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида **Туризм ва спорт вазирлиги**;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари негизида Туризм ва спорт вазирлигининг **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ташкил этилсин**.

Туризм ва спорт вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Туризм ва спорт вазирлиги туризм, жисмоний тарбия, спорт ва маданий мерос соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи **давлат бошқаруви органи** ҳисобланади;

Туризм ва спорт вазирлиги ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли**;

давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Туризм ва спорт вазирлигининг **мурожаатига кўра** тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда тақдим этади;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Спортда допинг қўлланилишининг олдини олиш ва допингга қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция, Бутунжаҳон антидопинг кодекси ва бошқа халқаро антидопинг стандартлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Бутунжаҳон допингга қарши агентлигининг тавсия ва таклифларини инобатга олиб:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг:

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сонини **2 бараварга кўпайтириш**;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Агентлик ходимларининг лавозим маошларини белгилашда **тариф коэффициентларини 1,5 баравар миқдорда қўллаш**;

Агентлик бош директорини мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра **вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштириш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлигининг янгиланган тузилмаси** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик бош директорига Агентликнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Агентлик (**Н.Турсунов**):

а) Бутунжаҳон допингга қарши агентлигининг талабларидан келиб чиқиб бир ой муддатда:

тақиқланган моддалардан фойдаланиш борасида спортчиларнинг ариза ва ҳужжатларини ўрганиб, хулоса чиқариш билан шуғулланадиган **Терапевтик истисно бўйича комиссия**;

антидопинг қоидалари бузилиши ҳолатларини ўрганиб, қарор чиқариш билан шуғулланадиган **Ахлоқ бўйича комиссия**;

Терапевтик истисно бўйича комиссия хулосаси ва Ахлоқ бўйича комиссия қароридан норози томоннинг аризасини ўрганиб, қарор чиқариш билан шуғулланадиган **Апелляция бўйича комиссия** фаолиятларини самарали ташкил қилсин, уларни малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

б) икки ҳафта муддатда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини Бутунжаҳон допингга қарши агентлигига етказиш чораларини кўрсин.

4. Молия вазирлиги (**Т.Ишметов**):

Агентлик марказий аппарати учун **2 та** махсус автотранспорт воситасини харид қилиш ва сақлаш учун лимит ажратсин;

ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Агентлик харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2021 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва **2022 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин**.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Агентликни зарур шарт-шароитларга эга бўлган бинога жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги "Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–6199-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Туризм ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 156 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маданият вазирлигининг моддий маданий мерос соҳасидаги ЮНЕСКО билан ишлаш ҳамда музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ вазифа ва функциялари тегишлилигича **Туризм ва спорт вазирлиги** ҳамда **Маданий мерос агентлигига ўтказилсин**.

3. Туризм ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари бошқарув ходимларининг чекланган сони **980 нафар** этиб белгилансин.

4. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазирига:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали **мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш**;

зарур ҳолларда, ходимларнинг штатдаги белгиланган умумий сони доирасида Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, тизим ташкилотлари тузилмасига **ўзгартиришлар киритиш**;

Туризм ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари **тузилмалари** ва **низомларини тасдиқлаш**, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш **ҳуқуқи берилсин**.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда маслаҳатчилари лавозимлари тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг **туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари** этиб қайта номланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг **туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари** бир вақтнинг ўзида тегишлича туризм ва спорт бош бошқармаларининг раҳбарлари **ҳисобланади**;

Маданий мерос агентлиги директори, туризм ва спорт **вазирининг маслаҳатчилари** (хорижий маслаҳатчилардан ташқари) ҳамда аппарат бошқарувчиси мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра, туризм ва спорт вазирининг ўринбосарларига тенглаштирилади;

Туризм ва спорт вазирлигига ишга қабул қилиш Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири томонидан тегишли давлат органлари томонидан **илгари амалга оширилган келишувларни инобатга олган ҳолда**, мустақил амалга оширилади;

(Давоми 2-бетда).

Ҳамкорлик

Ўзбекистон — Корея Республикаси:

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок билан учрашди.

Музокарада ҳар икки давлат раҳбарлари мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга катта аҳамият бераётгани таъкидланди. Ўтган йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон — Жанубий Корея стратегик ва иттифоқчилик ҳамкорлигини ривожлантиришда янги босқич бошланди. Икки томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ўсиб бормоқда. Бу икки мамлакат манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Томонлар сўнгги вақтда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги парламентлараро мулоқот ҳам фаоллашганини таъкидлади. Парламент фаолияти тажрибасини ўрганиш, шу жумладан, турли халқаро конференциялар ва парламент ташкилотлари ишида қатнашиш доирасида мунтазам равишда ўзаро делегациялар ташрифлари амалга оширилди.

3

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Кеча Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги парламент делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида Спикер Н. Исмоилов коронавирус пандемияси шароитида беморларни самарали даволаш, реабилитация қилишда Ўзбекистонга кўрсатилган амалий кўмак учун Корея Республикаси халқига алоҳида миннатдорлик билдирди. Айни чоғда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг қадимий, дўстона алоқалари, аввалдан тараққий этган савдо-сотиқ муносабатлари ҳақида тўхталиб, бу борадаги ишлар ҳозирда барча соҳада юқори даражада ташкил қилинаётганини эътироф этди.

Икки давлат алоқаларини мустаҳкамлашда парламентлараро муносабатлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Жумладан, 2017 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн бошчилигидаги делегация мамлакатимизга, 2018 йилда эса Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси делегацияси Корея Республикасига ташриф буюрди. Самимий ва конструктив руҳда ўтказилган музокаралар якунида парламентлар ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланган алоҳида эътиборга молик.

3

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ 2020 ЙИЛГА ДОИР ҲИСОБОТИ ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси видеокоференцалоқа шаклида бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ҳисоб палатасининг 2020 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди.

Мажлисда Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б. Туробов ҳисобот билан сўзга чиқди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот дастлаб сиёсий партиялар фракциялари томонидан кўриб чиқилди. Фракцияларда ўтказилган муҳокамаларда халқ вакиллари парламент назоратини амалга ошириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ҳамда назорат-таҳлил тадбирларига фуқаролик жамияти институтлари вакилларини фаол жалб этиш юзасидан парламент ва Ҳисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган қатор таклифлар ишлаб чиқди.

Мажлисда қайд этилганидек, Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини Президентимизнинг Фармон, қарорлари ва топшириқларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, амалга оширган. Давлат бюджети параметрларининг шакллантирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга, қабул қилинаётган давлат ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг аудитини рўёбга чиқаришга қаратган.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳисобидан ажратилган маблағлар сарфланиши юзасидан 2020 йилда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида жами 671,3 млрд. сўмлик ноқонуний харажатлар, камомад ва ўзлаштиришлар ҳамда самарасиз харажатлар, 1 трлн. сўмдан ортиқ харажатларни оптималлаштириш имкониятлари аниқланган.

Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги Фармонига асосан ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ажратилган маблағлар сарфланиши устидан Молия вазирлиги билан ҳамкорликда доимий назорат ўрнатилиб, аниқланган 23,8 млрд. сўмлик камомад ва ноқонуний харажатлар ҳамда ортиқча молиялаштирилган 8,4 млрд. сўм маблағлар жамғармага қайтарилган.

Бундан ташқари, амалга оширилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида жами 801,5 млрд. сўмлик қўшимча даромад манбалари мавжудлиги аниқланиб, шундан 233,5 млрд. сўмининг ундирилиши таъминланган ва қолган қисмларини ундириш чоралари белгиланган.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2021 йил 7 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТУРИЗМ, СПОРТ ВА МАДАНИЙ МЕРОС СОҲАЛАРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

туризм, жисмоний тарбия, спорт ва маданий мерос масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар **лойиҳалари** мажбурий тартибда Туризм ва спорт вазирлиги билан **келишилади**.

3. Туризм ва спорт вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) туризм соҳасида:

туризм объектларини **давлат-хусусий шериклик** асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий **ахборот технологияларини** жорий этиш;

мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, **туризм соҳасида ягона давлат сиёсати** юритилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида **маркетинг тадқиқотлари** олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, мамлакатимизнинг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм **маҳсулотлари ва брендларининг** халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган **туризм инфратузилмасини** ривожлантиришга инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

туризм турларини диверсификациялаш, энг аввало, **зиёрат** туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризм соҳасида хизматларни **лицензиялаш** ва **сертификатлаштириш** ҳамда туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш;

туризм хизматларини ташкил этишда туристларнинг **хавфсизлиги ва соғлиғини таъминлашга** йўналтирилган туризм хизматларини кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш;

туризм хизматлари бозорида **рақобатни** ривожлантириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу соҳага илғор ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш;

туризм объектларини жойлаштириш учун **салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш** ишларини ташкил этиш, уларга инвесторларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

туризм фаолияти соҳасида туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий ташкилотлар билан **халқаро ҳамкорликни кенгайтириш**, халқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

туризм соҳасида **кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**ни юқори даражада ташкил этиш, тармоқ туризм фанларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

б) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида:

спорт объектларини **давлат-хусусий шериклик** асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий **ахборот технологияларини** жорий этиш;

аҳолининг кенг қатламларини **спорт билан шуғулланиш**га ва **соғлом турмуш тарзи**ни юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

вазирликлар ва идораларнинг **жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клублари**нинг, спорт федерацияларининг (ассоциациялар) фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари, инструктор ва тренерлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида **жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш** борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни **саралаш (селекция қилиш)**, **тайёрлаш ва маҳоратини ошириш**нинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

республикадаги барча вазирлик ва идоралар (жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар) учун **спорт нормативлари**ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ягона сиёсатни олиб бориш;

мамлакатимизда **оммавий ва профессионал спортни**, шу жумладан, **спорт ўйинлари, экстремал** ва **қишки спорт** турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни таъминлаш;

оммавий ва профессионал спорт йўналишлари бўйича **моддий-техника базасини ривожлантириш** ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланишни таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида **кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш**ни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида **халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш** ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этиш;

в) моддий маданий мерос соҳасида:

маданий мерос объектларини **давлат-хусусий шериклик** асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага **замонавий ахборот** технологияларини жорий этиш;

давлат назоратини амалга ошириш ҳамда моддий маданий мерос объектларининг, шу жумладан, музей ашёлари ва коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш, уларни **муҳофаза қилиш**, илмий тадқиқ этиш ва оммалаштириш, шунингдек, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, хусусан, **Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари ҳамда ЮНЕСКО ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлар тавсияларини самарали бажариш**, халқаро ва хорижий ташкилотлар, олимлар, экспертлар ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини **сақлаб қолиш**;

чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, **уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш ва уни мунтазам янгилаб боришни** ташкил қилиш.

4. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш **Туризм, спорт, маданий мерос, транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаларида давлат-хусусий шериклик ҳамда рақамлаштиришни ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш** (кейинги ўринларда — Кенгаш) этиб қайта ташкил қилинсин ҳамда унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгиланснки, Кенгаш туризм, спорт ва маданий мерос объектларининг давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқарилишини ҳамда мазкур соҳаларга замонавий ахборот технологиялари жорий этилишини мувофиқлаштиради.

5. Вазирлар Маҳкамаси:

а) **уч ой муддатда**:

маданий мерос объектларининг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, уларга ҳар қандай салбий таъсирларнинг олдини олиш, узлуксиз равишда давлат ва илмий-техник назорат олиб боришни назарда тутган ҳолда соҳада **давлат-хусусий шерикликни жорий этиш тартибини**;

туризм, спорт ва маданий мерос объектлари, шу жумладан, уларнинг ер участкалари, бинолари ёки қисмлари ва хоналарини давлат-хусусий шериклик асосида бериш юзасидан хатловдан ўтказилишини ҳамда унинг натижаларидан келиб чиқиб, **ушбу объектларнинг рўйхати** (кейинги ўринларда — рўйхат) **тасдиқланишини** таъминласин;

б) рўйхатга киритилган ҳар бир объект бўйича **давлат-хусусий шериклик лойиҳаси** ва унинг **концепцияси, битимлари** ҳамда **тендер ҳужжатларини** тайёрласин.

Кенгашга рўйхатга киритилган умумий қиймати **бир миллион АҚШ доллари**дан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан **давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузиш юзасидан рухсат бериш ҳуқуқи берилсин**.

6. Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида:

Бош вазир ўринбосари — **Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозими тугатилсин**;

Бош вазир ўринбосари — **туризм ва спорт вазири лавозими киритилсин**;

Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари котибияти **Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти** этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафар этиб белгилансин. Бунда қўшимча ажратилаётган 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг қисқартирилаётган ходимлари сони ҳисобига шакллантирилади;

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти **Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти** этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 нафар этиб белгилансин;

Давлат тилини ривожлантириш департаменти **Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти** этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 7 нафар этиб белгилансин;

10 та штат бирлигидан иборат **Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси** ташкил этилсин.

Белгиланснки, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси штат бирликлари **Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг 10 та штат** бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

7. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази негизида Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида **Маданий мерос агентлиги** ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар **бошқармалари ташкил этилсин**.

Маданият вазирлигининг ҳудудий маданият бошқармалари тузилмаларидаги моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлимлари тугатилсин ва уларнинг штат бирликлари тегишлилигича **Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилсин**.

8. Маданият вазирлиги тизимидаги **давлат музейлари, музей қўриқхоналар ва уй музейлари, моддий маданий меросниг кўчмас мулк объектлари ва "Мозийдан садо" журнали** мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданий мерос агентлигига ўтказилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Маданий мерос агентлиги Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

2021 йилда ва келгуси йилларда Маданият вазирлигига Давлат бюджетидан маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек, археологик ишлар харажатлари учун ажратиладиган маблағлар **Туризм ва спорт вазирлигига ажратилади**;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига моддий маданий меросниг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларни амалга ошириш бўйича **Маданий мерос агентлиги буюртмачи ҳисобланади**.

10. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда**:

Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибияти, Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибияти, Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ҳамда Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекциясининг тузилмалари, янгиланган штат жадваллари ҳамда котибият ва инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқласин;

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири ҳамда Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг функционал вазифаларини тасдиқласин;

Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари котибиятини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазифалар самарали бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирсин;

Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Туризм ва спорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда **2021 йил якунига қадар**:

Туризм ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Маданий мерос жамғармаси, маданий мерос соҳасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан **махсус электрон портални** яратсин, ушбу порталга барча спорт ва маданий мерос объектлари ҳақидаги маълумотларнинг (шу жумладан, паспорти, давлат кадастри) жойлаштирилишини ва уни давлат электрон хизматлари билан интеграция қилинишини таъминласин;

барча моддий маданий меросниг кўчмас мулк объектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказсин ҳамда **Моддий маданий меросниг кўчмас мулк объектлари давлат реестри**, электрон каталогини, паспорти ва давлат кадастрини тўлиқ шакллантирсин.

12. Транспорт вазирлигининг белгиланган штат бирликлари доирасида вазирнинг **туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси** лавозими жорий этилсин.

13. Белгиланснки, транспорт вазирининг туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси:

Кенгашнинг тақдимномасига мувофиқ **Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади**;

ўз фаолияти даврида амалга оширган ишлари юзасидан ҳар ойда **Кенгашга** ҳисобот бериб боради.

14. Белгилаб қўйилсинки:

моддий маданий мерос объектининг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга туташ ҳудуддаги **муҳофаза тегаларида** капитал қурилиш ишларини ҳамда уларга зарар етказиш билан боғлиқ фаолиятни;

рухсатнома олмасдан туриб моддий маданий меросниг кўчмас мулк объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини **амалга ошириш тақиқланади**.

15. Туризм ва спорт вазирлиги, Фанлар академияси, Қурилиш вазирлиги, Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) **икки ой муддатда** молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда маданий мерос объектларини уларнинг муҳофаза тегралари бўйлаб ўраб олиш (тўсиб қўйиш) ва ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича таклиф ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) **уч ой муддатда** Бош прокуратура билан биргаликда маданий мерос объектларининг қўриқланадиган тегаларида ноқонуний қурилган қурилмалар ва бино-иншоотларни бартараф этиш, уларнинг ер майдонларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин;

в) **2022 йил 1 январга қадар**:

тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк объектларини ҳар бирининг жойига борган ҳолда аниқлаш, янги объект бўйича тарихий-маданий экспертиза ўтказиш ва уларни давлат муҳофазасига олишни таъминласин;

моддий маданий мерос объектларининг қўриқланадиган тегаларини, шу жумладан, муҳофаза тегаларини, иморатлар қуриш ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш тегаларини, қўриқланадиган табиий ландшафт тегаларини белгиласин;

халқаро экспертларни жалб этган ҳолда маданий мерос, шу жумладан, археология мероси объектлари, маданий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиш, номоддий мерос соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар нормаларини умумлаштириб, тўғридан-тўғри амал қилувчи **ягона қонун лойиҳасини** ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Бош прокуратура ташкилий-штат тузилмасида 3 та штат бирлигидан иборат бўлган маданий мерос соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан, шу жумладан, маданий меросни муҳофаза қилиш, асрашга доир ишлар ва улардан фойдаланишнинг оқилона ташкил этилишини назорат қилиш бўйича **тегишли бўлим ташкил этилсин**.

Бунда 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ходимлари сонини қисқартириш ҳисобига ажратилади.

17. Туризм ва спорт вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** Жисмоний тарбия ва спорт университетига қабул қилиш талабларини қайта кўриб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

18. Вазирликлар ва идоралар ҳудудларда ишбилармонлик туризмини (MICE-туризм) янада ривожлантириш мақсадида 2021-2022 йилларда ўтказилиши режалаштирилган спорт, маданият, илм-маърифат, иқтисодиёт, инвестиция ҳамда бошқа йўналишлардаги йирик халқаро тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиш чораларини кўрсин.

19. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июль** ва **2022 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқлангунга қадар, Туризм ва спорт вазирлиги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўланадиган тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ–2666-сон қарори билан **тасдиқланган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади**;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Туризм ва спорт вазирлиги **ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта номланади. Бунда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари "Спорт" махсус ҳисоб рақами маблағлари Жамғармага тўлиқ ўтказилади;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаси этиб **Давлат бюджети маблағлари**, вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар эса унинг фаолиятини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобланади;

Жамғарма маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан **Туризм ва спорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари**, шунингдек, **тизим ташкилотлари ходимларини қўшимча рағбатлантириш**га йўналтирилади.

Мазкур банднинг учинчи хатбошисида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири тақдимномасига асосан белгиланган тартибда тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

6. Молия вазирлиги ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Туризм ва спорт вазирлиги харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2021 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2022 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин.

Туризм ва спорт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Давлат бюджетининг 2021 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг **қўшимча манбалари** этиб белгилансин:

муассиси Туризм ва спорт вазирлиги ҳисобланган корхоналар ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) ихтиёрида солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин қоладиган **соф фойданинг бир қисми**;

хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ давлат мулки объектларини **реализация қилишдан тушадиган тегишли маблағлар**;

давлат ташкилотларининг мол-мулкини (кўчмас мулк бундан мустасно) сотишдан тушган маблағларнинг **50 фоизи**;

давлат ташкилотларининг мол-мулкини ижарага беришдан тушган бюджетга йўналтирилаётган маблағларнинг **50 фоизи**;

давлат ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва спорт вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Давлат бюджети маблағларининг, талон-торож, растраталар, камомадлар **суммаларининг 50 фоизи**;

давлат ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва спорт вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган ноқонуний сарфланган бюджет маблағлари, талон-торож, растраталар, камомадлар **суммалари**;

давлат ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг **10 фоизи**;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан **олинадиган даромадлар**;

туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларидаги **давлат-хусусий шериклик лойиҳалари**ни амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг **ҳомийлик хайриялари**;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник **кўмаклашиш маблағлари**;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

8. Туризм ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб моддий маданий мерос объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш, лойиҳалаш бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва ушбу соҳага етакчи мутахассисларни жалб қилиш мақсадида:

Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида **маданий мерос объектларини асраш факультетларини ташкил қилиш**;

Бухоро архитектура ва қурилиш коллежида **Маданий мерос объектларини асраш йўналишини** ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

9. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази **Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти** этиб қайта номлансин.

10. Туризм ва спорт вазирлиги уч ой муддатда:

"Спорт медиа маркази" давлат унитар корхонасини **"Миллий PR маркази" давлат унитар корхонасига**;

"Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази" давлат унитар корхонасини **"Туризм хизматларини сертификатлаш маркази" давлат унитар корхонасига**;

Сув спорт турларини ривожлантириш Республика маркази ҳамда Сув спорт турлари бўйича Республика олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини **Сув спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабига қўшиш чораларини кўрсин**.

11. Туризм ва спорт вазирлиги таъсисчилигида "Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш дирекцияси" **давлат унитар корхонаси** ташкил этилсин.

Бунда "Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш дирекцияси" давлат унитар корхонаси штат бирликлари Сув спорт турларини ривожлантириш Республика маркази ҳамда Сув спорт турлари бўйича Республика олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби **бошқарув ходимларининг 14 та штат** бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

12. Капитал бозорни ривожлантириш агентлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда спорт соҳасида **букмекерлик фаолиятини** ташкил этиш орқали спортни қўшимча молиялаштириш тизимини кенгайтириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги:

а) бир ой муддатда:

вазирликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга, юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган **юқори малакали кадрлар билан тўлдириш**ни;

вазирлик таркибий ва қуйи бўлинмалари тўғрисидаги низомлар (уставлар), шунингдек, ходимларнинг **лавозим йўриқномалари тасдиқланиши**ни таъминласин;

б) **уч ой муддатда** тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

вазирлик бўлинмалари ва бошқа ваколатли органларининг мазкур соҳадаги ваколатларини аниқ белгилаган ҳолда, шунингдек, давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигининг механизмларини назарда тутувчи **Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни**;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин.

14. Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлиги **2021 йил давомида** моддий маданий мерос объектлари, музей, спорт мажмуалари ва бошқа намойиш объектларида электрон тўлов, турникет (лазер-датчикли) ва видео қайд қилиш мосламаларини ўрнатишни, кириш билетларини олдиндан сотиб олишни назарда тутувчи **ягона марказлашган электрон тизимни** жорий этсин. Бунда электрон тизимни яратиш, ишга тушириш ва техник қўллаб-қувватлаш Жамғарма ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Туризм ва спорт вазирлиги:

икки ой муддатда ягона марказлашган электрон тизимга 2021 йилда интеграция қилиниши лозим бўлган объектлар рўйхатини шакллантирсин ва уларда жорий этилишини таъминласин;

2021 йил 1 сентябрга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан моддий маданий мерос объектлари, музей, спорт мажмуалари ва бошқа намойиш объектларида электрон тўлов, турникет (лазер-датчикли) ва видео қайд қилиш мосламаларини ўрнатиш ҳамда кириш билетларини олдиндан сотиб олиш тизимини намуна сифатида **Самарқанд шаҳрида** жорий этсин.

15. Реставрация ва таъмиршунослик соҳасининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиб, ҳудудларда узоқ йиллар давомида шаклланган меъморчилик мактабларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида давлат муассасаси шаклида **"Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси"** ва босқичма-босқич равишда унинг **минтақавий реставрация марказлари ташкил этилсин**.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат бюджетидан маданий мерос объектларини асрашга доир ишлар учун ажратиладиган маблағлар устувор равишда тўғридан-тўғри шартнома асосида "Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси"га йўналтирилади.

"Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси" ва минтақавий реставрация марказлари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

16. Белгиланснки:

ягона марказлашган электрон тизимни ташкил этиш учун Туризм ва спорт вазирлиги таъсисчилигида **давлат ташкилоти ташкил этилади**;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Маданий мерос департаментининг мол-мулки, шу жумладан, автотранспорт воситаларини Туризм ва спорт вазирлигига ўтказишда қайта расмийлаштириш учун тўловлар ундирилмайди.

17. Туризм ва спорт вазирлиги Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-"Б" уй манзили бўйича, Маданий мерос агентлиги эса Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 2-уй манзили бўйича жойлаштирилсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июль** ва **2022 йил 1 январга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

Ўзбекистон — Корея Республикаси:

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

1

2019 йилда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева расмий ташриф билан Корея Республикасида бўлди. Ташриф давомида парламент делегацияси Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин, Миллий Ассамблея Спикери Мун Хи Санг, Яшил ўсиш глобал институти раҳбари Пан Ги Мун, Сеул ва Инчхон шаҳарлари мэрлари, шунингдек, вазирлик ҳамда компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилди.

Шуларни алоҳида таъкидлар экан, Сенат Раиси Ўзбекистон ва Корея Республикаси парламентлари ўртасидаги алоқалар икки томонлама ҳамкорликнинг янги кун тартиби доирасида ривожланиб бораётганига эътибор қаратди. 2005 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Сенат Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев унинг раҳбаридир.

Томонлар парламентлараро гуруҳнинг самарали фаолияти натижаларини ижобий баҳолади. Ҳозирги вақтда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантиришда парламентлараро гуруҳнинг ролини ошириш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Мулоқотда алоқаларни янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, давлатларимиз раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш, ихтисослаштирилган қўмиталар, халқаро парламент тузилмалари ҳамда ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, депутатлар ўртасида минтақалараро ҳамкорлик ўрнатиш, ҳуқуқий базани фаол шакллантириш, пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган амалий чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон — Жанубий Корея парламентлараро мулоқотни тизимли давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ислоҳотлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлаш, икки томонлама шартномалар ҳамда битимларни ратификация қилиш масалаларини тезлаштириш бўйича дастурларни амалга ошириш муҳимлиги айтилди.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентдаги Корея маданияти ва санъати уйида Корея Республикаси фуқаролари билан учрашув бўлиб ўтди.

Корея маданияти ва санъати уйи 2019 йил апрель ойида Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг мамлакатимизга ташрифи вақтида очилган эди.

Ушбу мажмуа ўтган қисқа вақт мобайнида маданиятларни ўзаро бойитиш маркази сифатида кенг жамоатчилик, айниқса, ёш авлод учун севимли жойга айланди. Эндиликда Ўзбекистондаги корейс диаспораси, юртимизда ишлаётган корейслар, қолаверса, барча ўзбеклар бу масканни умумий уй, деб билади.

Учрашувда қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда корейс миллатига мансуб 200 мингга яқин фуқаролар истиқомат қилади. Юзлаб корейслар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Корейс маданиятининг ўнлаб марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида корейс филологияси ўрганилади, мактаб ва лицейларда эса корейс тили ўқитилади. Корейс миллатига мансуб фуқаролар учун миллий маданияти, тили, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилган. Корейс тилида китоблар ва газеталар нашр этилади, концерт ҳамда фестиваллар, спорт мусобақалари ўтказилади.

Кеча, шунингдек, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ҳамроҳлигида Тошкентдаги Болалар миллий тиббиёт марказига ташриф буюрди.

Қиймати 130 миллион долларлардан ортиқ бўлган ушбу марказ Корея Республикаси кўмаги билан "Баум" корпорацияси лойиҳаси асосида қурилган ва 2020 йилда фойдаланишга топширилган.

Ташриф давомида юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган ушбу педиатрия муассасаси фаолияти тўғрисида қисқача ахборот берилди. Бу ерда йилига 1500 дан ортиқ ноёб жарроҳлик амалиётларини бажариш учун шароитлар яратилган.

Тўрт қаватли даволаш биноси 280 ўринга мўлжалланган бўлиб, поликлиника бир кунда 250 нафар беморни қабул қилиши мумкин. Марказ магнит-резонанс томографи, мультиспираль компьютер томографи, ДНК анализатори ва онкологик касалликларни эрта аниқлашга имкон берадиган технологиялар билан жиҳозланган.

Марказда ишлаш учун 100 дан зиёд шифокор ва ҳамширалар Жанубий Кореяда малака оширган. Жарроҳлик муолажалари учун ускуналар махсус камералар билан жиҳозланган, бошқа шифохоналар ҳамда олий таълим муассасалари вакиллари амалиётларни онлайн шаклида кузатиши мумкин.

Меҳмонлар клиникадаги шароитлар билан танишди, вазиятни бошқариш марказига ташриф буюриб, мутахассислар билан суҳбатлашди.

Шу куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги делегация аъзолари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ташриф давом этмоқда.

Мунисхон КАРИМОВА
(«Халқ сўзи»).

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

1

Бундан ташқари, мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида 2019 йил 19 апрель куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюриб, икки мамлакат парламентлари ҳукуматлараро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишда давом этишига умид билдирган эди.

Қонунчилик палатасидаги музокаралар чоғида томонлар икки мамлакат ўртасидаги парламентлараро мулоқотни янада тараққий топтиришдан манфаатдор эканликларини қайд этди. Жумладан, икки томонлама ҳужжатларни ратификация қилишни жадаллаштириш бўйича парламентлараро мулоқотни амалга ошириш, парламент фаолияти соҳасида тажриба алмашиш, Миллий Ассамблея илмий-тадқиқот маркази билан Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ўртасидаги ҳамкорликни давом эттириш, қолаверса, парламентлар кутубхоналари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш бўйича алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги таклифларни кореялик парламентарийлар қўллаб-қувватлади.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Пак Бён Сок Ўзбекистон сўнгги йилларда иқтисодий-сиёсий жиҳатдан жадал ривожланаётган давлат сифатида дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганини эътироф этиб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларни юксак баҳолади.

— Икки мамлакат ўртасидаги дўстона, ўзаро ишончга асосланган алоқалар Жанубий Корея ва Ўзбекистон раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли янада мустаҳкамланмоқда, — деди Спикер Пак Бён Сок. — Мамлакатингизга учинчи маротаба ташриф буюришим. Очиғини айтишим керак, сўнгги ташрифимдан сўнг, юртингиз ҳар жиҳатдан ўзгарганига, барча соҳада тараққиёт динамикаси ўсганига амин бўлдим. Бу мени ҳайратлантиради. Айниқса, Ўзбекистоннинг юқори ва қуйи палаталари парламентни ривожлантиришга, парламентлараро алоқаларни изчил йўлга қўйишга бор куч-имкониятларини ишга солаётгани менда катта таассурот қолдирди. Ҳозирги кунда Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида парламентлараро гуруҳ аъзолари шакллантирилган. Улар кўмагида икки томонлама муносабатлар янада ривожланмоқда.

Ўз навбатида, Н. Исмоилов Жанубий Корея парламенти вакилларини Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси доирасида шу йил 24 июнь куни Бухоро шаҳрида ўтказилиши режалаштирилаётган "Барқарор мақсадларга эришишда парламентлараро глобал шериклик" мавзуидаги халқаро форумга, 2021 йил 12-13 август кунлари эса Тошкентда бўлиб ўтадиган Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясига таклиф этди. Шунингдек, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси аъзоларининг 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида қатнашиши мамлакатимиз учун муҳим аҳамият касб этишини билдирди.

Мулоқот чоғида Жанубий Корея парламенти делегацияси аъзоларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, учрашувда икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга, туризм, маданий-гуманитар каби соҳаларда ҳам ҳамкорликни янада ривожлантириш ва алоқаларни чуқурлаштириш юзасидан ҳукуматларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича қизғин фикр алмашилди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

ИСЛОҲОТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

Мамлакатимизда барча жабҳада изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Буни қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу борада Ҳаракатлар стратегияси дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, унинг 2-бандида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлиб, ўтган даврда шу асосда салмоқли ишлар бажарилди. Натижада жамиятда инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари устуворлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Бугунги кунга келиб, ушбу йўналишдаги интилишларимиз нафақат юртдошларимиз, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам алоҳида эътироф этилаётир.

Фикр

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги маърузасида ҳам ушбу масала алоҳида тилга олингани ва бу халқаро экспертлар томонидан илиқ қабул қилингани бунинг тасдиғидир. Мазкур халқаро тадбирда Ўзбекистон муносиб иштирокчи сифатида эътироф этилди. Бунинг сабаби мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоялашда мутлақо янгича тизим ва ёндашув жорий қилингани билан боғлиқ, десак, айни ҳақиқат.

Ёдингизда бўлса, Президентимиз ушбу нуфузли халқаро тадбирда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари доирасидаги барча масалага аниқ ҳамда лўнда тўхталди. Болалар меҳнатига барҳам берилгани, ёшларга оид давлат сиёсати кенг кўламда олиб борилаётгани, жазони ўташ муассасаси, махсус колонияларда шароитларнинг яхшиланаётгани, айбланувчи ва маҳбусларга муносабатларда инсонпарварлик тамойилларининг қўлланилаётгани шулар жумласидандир. Бу эса барча жараёнга очиқлик ҳамда шаффофлик кириб бораётганидан далолат беради. Юртбошимиз томонидан тилга олинган бу масалаларнинг барчаси туб моҳиятида битта мақсад, яъни инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ётибди.

Дарҳақиқат, давлат раҳбари мунтазам равишда бу масалага урғу бериб келади. Масалан, парламентга Мурожаатномасида озодликдан маҳрум этилганларга нисбатан қийноқларнинг олдини олиш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тизимида ушбу муассасаларда доимий мониторинг олиб бориш, ҳар чоракда тергов изолятори ва жазони ўташ муассасаларига "мониторинг ташрифлари"ни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди. Бу жараёнга жамоатчиликнинг кенг жалб қилинаётгани эса инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳал қилувчи омилга айланмоқда.

Мазкур йўналишда Олий Мажлис Сенати томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Мисол учун, сенаторларимиз жорий йилда маъқуллаган ва Президентимиз томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам айни шу мақсадларни кўзда тутади.

Қолаверса, парламент юқори палатасининг "Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурасига юборилган парламент сўрови натижалари тўғрисида"ги қарори тайёрланди.

Шу икки ҳужжат асосида ички ишлар органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда жамоатчилик ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш, тергов ҳибсхоналари, озодликдан маҳрум этиш жойлари ҳамда шахслар турган жойларда қийноққа солиш, шафқатсиз ва ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи хатти-ҳаракатларнинг барвақт олдини олиш ҳамда тергов бўлинмаларида сўроқ қилиш жараёнининг стенографик ёзиб олиниши, видеокузатув, шунингдек, тергов ҳаракатларини аудио ва видео қайд этиш тизими билан жиҳозланган махсус тергов хоналари ташкил қилиш, суд процессида судланувчига нисбатан қийноққа солиш ҳамда бошқа шафқатсиз муносабатлар белгилари аниқланганда, бу бўйича прокурор томонидан қонуний чоралар кўрилишини таъминлаш борасида салмоқли натижаларни қўлга киритдик.

Сенаторлар маъқуллаган мазкур Қонун ва қарор давлатнинг адолатли ижтимоий сиёсатини таъминлаб, жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини янада мустаҳкамлаши, юртимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини оширишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтаётганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Абдулла ХУРСАНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ 2020 ЙИЛГА ДОИР ҲИСОБОТИ ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1

Таъкидланганидек, коронавирус пандемияси даврида Давлат бюджети барқарорлиги ва биринчи навбатдаги тадбирларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлашга қаратилган Президентимизнинг 2020 йил 15 апрелдаги қарори ижроси юзасидан Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан ҳамкорликда уставида давлат улуши бўлган корхоналарнинг 2019 йилда олинган фойдасидан Давлат бюджетига 4,8 трлн. сўм дивидендларнинг ўтказилиши ҳисоб-китоб қилиниб, уларнинг тегишли бюджетларга жалб этилиши таъминланган.

Мажлисда Ҳисоб палатасининг замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни ҳамда илғор назорат усулларини қўллаган ҳолда бюджет даромадлари тўлиқлигини таъминлашга, мавжуд имконият ва захиралар эвазига бюджет даромадларининг қўшимча манбаларини ишга солишга, ҳудудларда маҳаллий бюджет маблағларини тўлиқ шакллантириш ва самарали ишлатишга қўшаётган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, аниқланаётган тизимли молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли органларга ўз вақтида киритилаётгани ижобий баҳоланди.

Бинобарин, 2020 йилда давлат раҳбарининг 796 та ҳужжатидаги 15 518 та топшириғи "ijro.gov.uz" идоралараро ахборот тизимга киритилиб, ижроси назоратга олинган.

Депутатлар Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида очиқлик ва ошкоралик принципларига амал қилаётганини алоҳида эътироф этди. Жумладан, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни ҳамда 2020 йилда амалга оширилган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш, молиявий ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида 40 дан ортиқ материаллар расмий веб-сайтда, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритилган. Ҳисобот даврида расмий веб-сайт орқали 19 та материал ҳамда миллий телевидение орқали 22 та видеоматериал тайёрланган.

Шу билан бирга, депутатлар ҳисоботда келтирилган тизимли молиявий ҳуқуқбузарликларга, хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, бюджет даромадларини кўпайтириш имкониятларини излаш, мавжуд захираларни ишга солиш, яратилган шароит ва дастаклардан оқилона фойдаланиш ўрнига Давлат бюджетидан берилган маблағларнинг мақсадсиз ва самарасиз сарф қилинишига ва бюджет маблағларининг ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўйилаётгани, марказий ҳамда маҳаллий идоралар мутасаддиларининг ушбу муҳим масалага эътиборсизлик қилаётгани ва бошқа камчиликлар депутатлар томонидан кескин танқид қилинди.

Айниқса, Ҳалқ таълими вазирлиги муассасаларида 192,2 млрд. сўмлик молиявий хато, камчиликлар ва ўзлаштиришлар аниқланганлигига, жумладан, Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан 21 млрд. сўмлик самарасиз харажатларга йўл қўйилганлигига алоҳида эътибор берилди. Мисол тариқасида, Беруний туманидаги 420 млн. сўмга қурилиб, фойдаланишга қабул қилинганлиги кўрсатилган 58-мактаб филиалида умуман қурилиш бўлмаганлиги аниқланган.

Муҳокамаларда депутатлар ҳисоботда келтирилган халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларда муаммолар мавжудлигига ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабабларига ҳам эътибор қаратди. Жумладан, давлат ташқи қарз маблағларини жалб қилган ҳолда 2010 — 2019 йилларда якунланган умумий қиймати 12,6 млрд. АҚШ долларлик 81 та лойиҳанинг 24 тасида хато ва камчиликлар аниқланган.

Айрим лойиҳалар йиллаб кечиктирилган, шунингдек, лойиҳада кўзда тутилган мақсадлар доимий ўзгартирилган ёки сифатсиз асбоб-ускуна ва жиҳозлар қиймат нархларда сотиб олинганлиги, баъзи лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ўта паст даражада ҳамда лойиҳа маблағлари талон-торож қилиниб, ўзлаштирилганлиги кескин танқидга сабаб бўлди.

Йиғилишда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг хулосаси баён этилди. Унга кўра, Ҳисоб палатаси томонидан 2020 йилда бажарилган ишлар белгиланган режа асосида амалга оширилганлиги эътироф этилди ҳамда келгусида жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш, қонунчиликни такомиллаштириш ва Давлат бюджети ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш масалаларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ҳисоб палатасининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини янада ошириш зарурлиги борасида қатор таклифлар илгари сурилди.

Шунингдек, тизимли такрорланаётган камчилик, хатолар ва молиявий ҳуқуқбузарликлар бўйича тегишли давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари Ҳисоб палатасининг йиллик ҳисоботига ўз муносабатларини билдирди.

Хусусан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари** давлат ташқи қарзи ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар бўйича аудит хулосаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиб бориш, муаммоли 14 та лойиҳа бўйича хулосаларни лойиҳачиларнинг тақдимоти билан киритиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган ишлар ҳақида маълумот тақдим қилиш зарурлигини билдириб ўтди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари Ҳисоб палатаси томонидан маҳаллий бюджетларнинг ижроси ўрганилганда қатор камчиликларнинг аниқланганлигига эътибор қаратар экан, жойларда ҳокимликларнинг бугун мамлакатда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида яратилган қулай шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш чора-тадбирларини излашга, мавжуд имконият ва резервларни ишга солишга ҳамда бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарф қилинишини таъминлашга эътиборни янада кучайтириш зарурлигига ҳамда бу соҳада уларга тегишли маслаҳат ва амалий ёрдамлар кўрсатиш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Ҳисоб палатаси томонидан ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар тайёрлаш бўйича ишларни тизимли олиб бориш лозимлигига, шунингдек, Давлат бюджетидан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳамда жиҳозларини сотиб олишга ажратилаётган маблағларнинг муассасалар ва ҳудудлар бўйича тақсимотида адолат принципларига тўла риоя этилаётганига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини илгари сурди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга, имтиёзли кредит линиялари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган мақсадли маблағлар салмоғи ошганини, мазкур соҳани янада жадаллаштириш таклифини билдириб, аҳолига ипотека кредитлари берилишида адолат ва шаффофлик тамойиллари устуворлигига эришиш, энг аввало, уларнинг эҳтиёжманд оилаларга тақсимланиши ҳамда қурилаётган уй-жойларнинг дастлабки таннархи шакланиши жараёнини, уларнинг сифатини назоратга олиш таклифини берди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси вакиллари томонидан инвестиция лойиҳаларини мониторинг ва назорат қилишда Ҳисоб палатаси тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда лойиҳаларнинг экология ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилганига эътиборни кучайтириш борасида, шунингдек, "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхоналарининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини тизимли равишда ўрганиб бориш юзасидан таклифлар билдирилди.

Мазкур таклифлар ва фикр-мулоҳазалари инобатга олган ҳолда, парламент қуйи палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

кафедралардаги қуйидаги лавозимлар бўйича танлов эълон қилади:

1. Вокал ва чолғу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш кафедраси: кафедра мудири;
2. Мусиқа назарияси кафедраси: катта ўқитувчи, ўқитувчи;
3. Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси: катта ўқитувчи — 2 ўрин;
4. Ўзбек тили ва ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи.

Танловда қатнашиш учун даъвогарлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охирги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ акциядорлари диққатига!

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки 2008 — 2019 йил якунлари бўйича банк акциядорларининг навбатдаги ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари баённома қарорларига кўра банкнинг оддий ҳамда имтиёзли акцияларига ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида олмаган банк акциядорларидан дивидендларни олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда, банкнинг бош офисига ёки ҳудудий филиалларига мурожаат этишларини сўрайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-боб 51-моддасига асосан: **Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади**.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзил бўйича «Трастбанк» ХАБ бош офисига мурожаат этишингизни сўраймиз:
100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 7-уй. Телефон: 78-140-00-88.
Банкнинг электрон почта манзили: info@trustbank.uz.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси меҳнат фахрийси
Холдор ИСКАНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Madaniyat va ma'rifat» телеканали жамоаси телеканал директори Воҳид Луқмоновга отаси
ҲАБИБУЛЛА отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзметкомбинат» АЖ бошқаруви ва Касаба уюшма қўмитаси жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими, меҳнат фахрийси
Рихсивой ЮСУПОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2021 йил 7 апрель

ЎЗЛИКНИ АСРАШ ҚАЙҒУСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари миллий ўзликни англашдаги, миллий қадриятларни асраш-даги аҳамияти билан юксак қадр-қимматга эгалиги туфайли ҳар биримизни чуқур ўйлаб, хулосалар чиқариб олишга даъват этмоқда.

Муносабат

Аввало, бир савол устида ўйлаб кўрайлик: маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масаласи нега бугун кун тартибига бунчалик долзарб вазифа сифатида қўйилмоқда?

Бу ҳақда узундан-узоқ гапириш, баҳс-мунозара юритиш мумкин. Чунки маънавиятга, миллий қадриятларга тажовузнинг янгидан-янги шакллари пайдо бўлмоқда. Бугунги кунга келиб ёшлар қалбини забт этиш ҳар қандай ҳарбий объектдан кўра, муҳим нишонга айланди.

Қадимдан маълумки, бир давлат бошқаси устидан сиёсий ва иқтисодий ҳукмронликка эришмоқчи бўлса, ўша давлат ёшларини ўз таъсирига олишга, уларни миллий қадриятлардан узишга ҳаракат қилади. Миллий қадриятларидан узоқлаштирилган ёшларда эса миллий ғурур сусаяди. Миллий ғурури суст ёшларни исталган кўйга солиш, ҳар қандай ғаразли мақсад йўлида улардан осонгина фойдаланиш мумкин. Демак, ёшларга етарли эътибор қилмаган давлат келажаги таҳлика остида қолади. Ёшлари маънавиятли, маърифатли, диёнатли, ватанпарвар бўлган давлат оёқда мустаҳкам туради, ривожланади, қудрати ошади.

“Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг мақсади ҳам, аввало, ёшларимизни турли таҳдидлардан асраш-дек долзарб вазифага қаратилган. Ҳужжатда таъкидланганидек, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда яхлит тизим бўлмагани сабабли шу кунгача гап кўп, самара кам бўлди. Энг катта хато — ҳар ким ўзича иш юритди, бунинг устига чуқур ўйланмаган, эски қолипдаги тарғибот усулларидан фойдаланиб келинди. Энди эса бу қарор барча имкониятни бирлаштириб, бир тизимга солиб, комплекс чора-тадбирлар асосида иш олиб бориш имконини яратмоқда.

Қарорда бу борадаги устувор йўналишлар аниқ белгилаб берилябти. Масалан, **“аввало ёшлар қалбида дахлдорлик ҳиссини кучайтириш”** вазифаси қўйилмоқда. **“Дахлдорлик ҳисси”** нима дегани, уни ниманинг ҳисобига, қандай қилиб кучайтириш мумкин? Бу масалада аниқ маълумотга эга бўлмай туриб, мақсадга эришиш қийин.

Ёки **ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш** талаб этилмоқда. Хўш, бугун бу хуружлар нималардан иборат, қандай кўринишларда намоён бўлмоқда? Ёки **“мафкуравий иммунитет”** нима? У қандай йўллар билан шакллантирилади ва кучайтирилади?

Бу каби саволларга жавоб топиш учун ўйлаш, фикрлаш, юз бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил этиб бориш талаб қилинади. Маълумки, одам бирор дардга чалинса, тиббиёт ёрдамга келади, дори-дармон ўз кучини кўрсатади. Аммо инсон ахлоқ-одоби, мафкурасига таъсир қиладиган дори-дармон тиббиётда яратилганича йўқ. Инсон туйғуси — тарбия билан боғлиқ, сўз билан боғлиқ, кўзга кўринмас, нозик ҳиссиёт, илоҳий неъмат. Мафкурани ҳам, иммунитетни ҳам яратадиган, мустаҳкамлайдиган асосий “дори-дармон” — адабиёт, кино, театр, мусиқа, санъат, нашриёт-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларидир. Бугун уларда маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигига эришиш зарурлиги алоҳида таъкидланмоқда. Мафкуравий иммунитетни кучайтириш учун тизимли иш олиб бориш талаб этилмоқда.

Биринчидан, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик тартиби аниқ белгилаб берилмоқда. Бу билан маънавиятчилар ўз ишини қилсин, биз давлат иши билан бандмиз, деганга ўхшаш айрим номаъқул қарашларга ҳам чек қўйилмоқда. Бундан буён маънавий-мафкуравий ишларнинг асосий йўналишлари бўйича давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва ишчи гуруҳларнинг фаолияти мувофиқлаштириб борилади. Яъни ҳар ким ўзича эмас, балки бамаслаҳат, ўзаро келишув асосида бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилинади.

Шунингдек, миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид бўлган ғоялар ва маънавий таҳдидларнинг қиёфалари ҳамда уларнинг аҳоли турли қатламларига таъсири ўрганилиб, чиқарилган хулосалардан аҳоли хабардор этиб борилади. Қарорда яна бир муҳим масалага эътибор қаратилмоқда. Ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи, уларни ўзига ғоявий жиҳатдан қарам этишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши тизимли кураш олиб бориш билан бирга иродали, фидойи, ватанпарвар ва ўз мустақил фикрига эга авлодни тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилмоқда. Яъни мафкуравий иммунитетни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Эътибор беринг, давлат ва жамиятдан катта меҳнат талаб қиладиган, юксак мақсадли, кенг кўламли, залворли вазифалар белгиланмоқда. Оммавий ахборот воситаларидан бошлаб, барча ижодий ташкилот, ёшлар тарбиясига масъул идора ва вазирликлар, сиёсий партиялар маънавий-маърифий ишлар бўйича ўз дастурларига эга бўлиши зарурлигини ҳаётнинг ўз тақозо этмоқда. Бироқ тажрибадан маълумки, режа тузиш, дастур яратиш масаланинг бир жиҳати, энг муҳими эса уларнинг ижросини таъминлаш. Белгиланган вазифалар ижроси қатъий назорат қилиниб, бажарилган ишлар ҳисоботлари изчил эшитиб борилмаса, кутилган натижага эришиш қийин. Эзгу ниятлар қоғозларда қолиб кетиши мумкин.

Маънавият ва маърифат тушунчасининг кўлами кенг, бу икки сўз бутун ҳаётимиз маъно-мазмунини ифодалайди. Шунинг учун ҳам маънавият ҳамда маърифат ишларини такомиллаштириш қаердан, нимадан бошлангани маълум, деган савол ҳам хаёлга келади.

Бу ишлар эҳтимол, халқимизнинг қадим тарихи, миллий қадриятлари асосида қурилиши керакдир? Болалар учун эса ватанпарварлик алифбоси балки эртак китобларидан бошланар?..

Тўғриси, қарорнинг маъно-мазмунида бу фикрлар ҳам ўз ифодасини топган. Ёшларни эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари, ислом дини ҳамда фалсафасига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш алоҳида таъкидланмоқда.

Бугун дунёни ташвишга солаётган терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес, ирқчилик, маҳаллийчилик каби жаҳолатлар билимсизлик, маънавият ва маърифатсизлик оқибати экани кўпчиликка аён. Маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш билангина ёшларимизни бу ёвузликлар таъсиридан асрашимиз мумкинлиги ҳам беш қўлдек маълум.

Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолиятини қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида қарорда қатор янгиликлар жорий этилаётгани замирида ҳам жаҳолатга қарши маърифат қўйилмоқда. Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш, “Тафаккур” ва “Маънавий ҳаёт” журналлари ҳамда “Маънавият” нашриёти марказ тасарруфига ўтказилишининг ўзи маънавий-маърифий ишларни кучайтириш имконини яратмоқда. Ёки давлат олий таълим муассасаларида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилиши ҳам масала жиддий қўйилаётганини кўрсатади. Барча шаҳар ҳамда туманларда маънавият ва маърифат маскани ташкил этилиши эса бу борадаги ишлар изчил ҳамда оммавий тус олишини таъминлайди.

Ушбу ҳужжат билан баробар қабул қилинган иккинчи қарор —“Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” деб номланган. Бу ҳужжатда биринчи қарордаги вазифалар ижросини таъминлаш механизмлари кўрсатиб берилмоқда, молиявий таъминоти масаласи ҳал этилмоқда.

Бу икки қарор бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир мақсадга йўналтирилган. Буни маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш, ёшларимизни ёт ғоялардан ҳимоя этиш бўйича бугунги миллий дастур, деб баҳоласак муболаға эмас. Ўз навбатида, бу қарорлар ижросини таъминлашга хизмат қиладиган қонуний асосларни кучайтиришга тўғри келади. Чунки кун тартибидаги масала айримлар ўйлаганидан кўра, ғоят муҳим ва долзарбдир. Бугунги шиддатли глобаллашув жараёнлари кетаётган, катта давлатлар манфаатлари тўқнашувлари кескинлашиб, турли сиёсий ўйинлар, хавф-хатарлар, таҳдидлар кўпайиб-кучайиб бораётган бир шароитда миллий қадриятларни, ёшлар қалби, онги-шуурини асраш вазифаси ҳар қачонгидан-да муҳим бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам мустаҳкам иродали, юксак ахлоқ-одобли, бағрикенг, ватанпарвар авлодни тарбиялаш талаб этилмоқда. Бу вазифа замирида эса ўзликни асраш-дек, миллий қадриятларни ҳимоя этишдек, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатликни, миллий хавфсизликни мустаҳкамлашдек олий мақсад мужассам.

Сафар ОСТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ФАХР ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

2018 йилнинг 26 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун билан апрель ойининг биринчи якшанбаси ушбу соҳа вакиллари куни сифатида белгиланди.

Геология мамлакатнинг минерал-хом ашё базасини ривожлантиришда, ер қаърини ўрганиш ва разведка қилишда, фойдали қазилма конларини очишда, умуман, миллий иқтисодиёт равнақида алоҳида аҳамиятга эга.

Изланиш

Қизилқум — бой замин. Унинг бағридан олтин маъданларини олиш борасида мамлакатимиз дунёда етакчи давлатлар қаторида эканлигида геологларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Олтин конлари ва ундан олинган қимматбаҳо маъданларни қайта ишлайдиган заводлар фаолиятини мунтазам таъминлаб бориш фаолиятимизга бевосита боғлиқлиги кишига фахр ҳамда ифтихор бағишлайди.

Президентимиз ташаббуси билан “Қизилқумгеология” давлат унитар корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилди. Айтиш жоизки, шундан сўнг меҳнат ва мулкка муносабат тубдан ўзгарди. Халқаро миқёсда ишлаш, андозани хорижга қараб олиш, бугун ҳамда эртанги кунни ҳам халқаро бозор талабидан келиб чиқиб кўра билиш имконияти яратилди. Шунингдек, хорижлик ишбилармонларнинг жамиятимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар киритишига кенг йўл очилди. Масалан, 2020 йилда 16 дона турли автотранспорт машинаси, 4 дона бурғилаш жиҳозлари, 4 дона тош кесиш, лаборатория, темирчилик ускуналари ҳамда қуёш батареяси, энг замонавий компьютер жамламалари ва жиҳозлари ҳамда 2 донадан вагон-уй ва тиркама, 1 дона контейнер ташийдиган яримтиркама сотиб олдик.

Илгари ер ости қимматли маъданларидан намуналар олишда имкониятларимиз чекланган эди. Ўтган йили харид қилган замонавий “MAKINA S-21” русумли бурғилаш технологияси эндиликда геологларимизга 2 минг метрдан ортиқ чуқурликдаги маъданлардан намуналар олиш имконини бермоқда. Албатта, бу замонавий техника ва жиҳозларнинг харид қилиниши давлатимиз раҳбарининг геология соҳасига қаратаётган эътибори ҳамда қўллаб-қувватлаши натижасидир. Бинобарин, шу эътибор ва рағбатлар самараси ўлароқ, 2020 йилда Навоий кон-металлургия комбинатидан 54 та лойиҳа, бюджет ташкилотларидан эса 13 та лойиҳага буюртма олдик. Мазкур лойиҳалар тўлиқ ишга туширилиши натижасида юзлаб, эҳтимол, минглаб янги иш ўринлари яратилади. Улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Табиати анча инжиқ — ёзи жазирама, қиши изғиринли Қизилқум кенгликларида қазилма-қидирув ишларини олиб бориш кишидан матонат талаб этади. Шу билан бирга, геологлар ҳафталаб чўл бағрида дала шароитида меҳнат қилишади. Уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда муносиб меҳнат шароити яратиш мақсадида ўтган йили 150 дона маиший техника, 416 дона ошхона жиҳозлари ва бошқа ускуналар сотиб олинди.

Шунингдек, икки йил аввал деярли харобага айланган “Довғизтов” дала геология-қидирув экспедициясининг маъмурий биноси янгидан қад ростлади. Экспедицияга қарашли лаборатория, ётоқхона, омборхона ва шу каби бинолар тўлиқ таъмирланиб, улар замонавий жиҳозлар билан таъминланди. “Қизилқум” дала геология-қидирув экспедициясида эса тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу каби ободонлаштириш ишларини “Кокпатас” дала геология-қидирув экспедициясида ҳам кузатиш мумкин.

Корхонамизда 1 080 нафар ходим ишлайди. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган эзгу ғоя — “Одамлар бугун бахтли яшаши керак” деган тамойил самарасида олис ҳудудларда яшовчи геологларнинг йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларига ечим топилмоқда. Жумладан, Давлат геология қўмитаси ташаббуси билан Зарафшон шаҳрига яқин ҳудудда қад ростлаган Геологлар маҳалласида “Қизилқумгеология” акциядорлик жамияти ходимларидан 64 нафарининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилди.

Реклама ўрнида

Албатта, фаолиятимизга инвесторларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Айни чоғда кадрлар сиёсатини ислоҳ қилиш ҳам асосий вазифаларимиздан бирига айланган. Шу маънода айтиш мумкинки, аслида, энг самарали сармоя кадр билан боғлиқ инвестициядир. Шунинг учун ҳар бир ёш кадрни тажрибали мутахассисга бириктириш орқали малака ва кўникма ошириш билан бир қаторда, устозни қадрлашдек маданият ҳам шакллантириб борилади. Бу билан уларнинг ўз касбига меҳри ва фахр ҳисси ҳам ошиб бораётир.

Шакириддин ИСКАНДАРОВ,
«Қизилқумгеология» акциядорлик жамияти директори вазифасини бажарувчиси.

МИНТАҚАДА МУҚОБИЛИ ЙЎҚ ЗАВОД

Ўзбекистонга селекция, уруғчилик ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари бўйича «ноу-хау» таклиф қиляпмиз.

Шу йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. “Шёлково Агрохим” акциядорлик жамияти бош директори, Россия Фанлар академияси академиги Салис Каракотов Президент Фармонида белгиланган вазифалар ижросида россиялик олимларнинг иштироки ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёдаги энг йирик корхонанинг қурилиши хусусида сўзлаб берди.

Инновация

Тараққиёт омили

Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги соҳаси жадал ривожланмоқда. Бунга қулай иқлим шароити, инфратузилма ҳам сезиларли таъсир кўрсатяпти. Мамлакат қишлоқ хўжалигида суғориладиган деҳқончилик тизими кенг қўлланилмоқда. Мазкур тажриба дунёнинг камдан-кам мамлакатларида мавжуд.

— Масалан, суғориладиган деҳқончилик технологияларини ўзлаштириш бўйича Ўзбекистондан ўрганадиган жиҳатлар кўп. Бу борада ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорлик қиламиз, — дейди “Шёлково Агрохим” акциядорлик жамияти раҳбари.

Охирги уч-тўрт йил мобайнида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида кластерларнинг ташкил қилиниши, аграр соҳанинг янги йўналишлари ўзлаштирилиб, боғ ва токзорларнинг кўпайтирилаётгани ҳам эътиборга молик. Бундай ишлар инновацион характерга эга бўлиб, муайян билим ҳамда тажрибани талаб қилади.

— Инфратузилмага эга бўлишгина эмас, ундан фойдалана олиш ҳам зарур, — дейди россиялик олим С. Каракотов. — Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Президентининг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган, мамлакатнинг келгуси тараққиётига хизмат қилувчи пухта ўйланган стратегия ҳисобланади.

Ўз навбатида, мазкур ҳужжат ҳамда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини 2021 — 2025 йилларда устувор ривожлантириш концепцияси республика аҳолисининг турмуш сифатини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Нурободдаги ишлаб чиқариш корхонаси

Россиядаги аграр соҳага ихтисослаштирилган илмий марказлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, билим ва тажриба алмашиш фойдадан холи эмас, албатта. “Шёлково Агрохим” ушбу мақсадни кўзлаган ҳолда Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи завод қурилишини бошлади. Муассасанинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги, авваламбор, мана шу йўналишни ўз ичига қамраб олади.

“Шёлково Агрохим” АЖ бош директорининг сўзларига қараганда, заводда тамомила янги компонентларга эга бўлган, ўзгача шакл ва кўринишдаги замонавий ҳимоя воситалари ишлаб чиқарилади. Ҳалига қадар бундай инновацион маҳсулотнинг муқобили на Ўзбекистон ва на яқин хорижда ҳам мавжуд эмас эди.

> *“Шёлково Агрохим” ушбу мақсадни кўзлаган ҳолда Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи завод қурилишини бошлади. Заводда тамомила янги компонентларга эга бўлган, ўзгача шакл ва кўринишдаги замонавий ҳимоя воситалари ишлаб чиқарилади. Ҳалига қадар бундай инновацион маҳсулотнинг муқобили на Ўзбекистон ва на яқин хорижда ҳам мавжуд эмас эди.*

Салис Каракотовнинг айтишича, корхона шу йили қуриб битказилади, унинг ишлаб чиқариш қувватларини эса 2022 йилдан ишга туширишни кўзда тутилган. Маҳсулотлар нафақат Ўзбекистон, балки хорижий давлатлар, хусусан, Туркия, Эрон, Сурия, Жазоир, Марокаш бозорларига етказиб берилади.

— Биз Ўзбекистон билан буғдой, қанд лавлаги, маккажўхори, соя, кунгабоқарнинг янги навларини яратиш бўйича эришган ютуқларимизни ҳам баҳам кўрамиз. Келгусида республикада асл уруғлардан юқори навли репродуктив уруғлар ярата оладиган нуфузли уруғчилик хўжаликларини ташкил этишни мақсад қилдик, — дейди “Шёлково Агрохим” АЖ раҳбари. — Ўзбекистондаги иқлим шароити селекция материалларига ўзгартириш киритишни, яъни бизда мавжуд бўлган, бироқ мамлакатда ҳали етиштирилмаётган баъзи экин турларининг классик селекциясини ўтказишни тақозо этса, ажаб эмас.

Академик алмашинув

— Илмий билим ва тажриба алмашинуви ҳамкорлигимизнинг учинчи муҳим йўналиши ҳисобланади, — дея таъкидлайди РФА академиги. — “Шёлково Агрохим” ҳам селекционуруғчилик йўналишида, ҳам ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини яратиш соҳасида таълим, фан ҳамда ишлаб чиқариш интеграцияси замирида пайдо бўлган корхона. Бу эса ғўза, донли экинлар, маккажўхори, кунгабоқар, соя, шунингдек, боғ ҳамда токзорларни зараркунандалардан ҳимоя қилишга доир кўп йиллик тажриба ва илмий салоҳиятдан ўзбекистонлик мутахассислар ҳам фойдаланиши мумкинлигини англатади.

Қайд этиш керакки, боғ ва токзорларни ҳимоя қилишга қаратилган охирги беш йиллик ишланмаларимиз мазкур соҳада дунёдаги етакчи брендлардан нафақат қолишмайди, балки кўп жиҳатдан улардан устун ҳам. Бугунги кунда биз боғ ва токзорлар учун энг илғор ҳамда ишончли ҳимоя тизимларини яратганмиз. Улар соҳадаги етакчи илмий муассасалар томонидан эътироф этилган. Мазкур тажрибани Ўзбекистонда ҳам татбиқ этиш истагидамиз, — дейди россиялик олим.

Шу билан бирга, яқин истиқболда “Шёлково Агрохим” Д. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиали билан ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирган. Зотан, Самарқанддаги завод ишга тушиши натижасида корхонани ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида малакали кадрлар билан таъминлаш эҳтиёжи туғилади.

— Келгусида селекцион-уруғчилик ҳамда агрокимё йўналишлари бўйича Ўзбекистоннинг илмий муассасалари билан ҳамкорликда ишлашни мақсад қилдик, — дейди С. Каракотов.

Реклама ўрнида

Маълумот учун:

“Шёлково Агрохим” АЖ Россиянинг пестицидлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналаридан бири ҳисобланиб, РФ ўсимликлар ҳимояси бозоридаги кучли учталиқдан жой олган.

Корхона:

- *ўсимликларни ҳимоя қилувчи ноёб кимёвий воситаларни ишлаб чиқаради;*
- *соҳада инновацион технологияларни жорий қилади;*
- *маҳаллий селекция ва уруғчиликни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.*

Асосий ишлаб чиқариш қувватлари 145 йиллик тарихга эга Шёлково кимё заводида ташкил қилинган. Бундан ташқари, Степногорск (Қозоғистон)да яна бир завод фаолият кўрсатмоқда. Навбатдаги корхонанинг қурилиши 2018 йилда Ўзбекистонда бошланди. Мазкур объектга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий миқдори 15 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Шундан 3,5 миллион доллардан ортиғи ҳозирги кунгача ўзлаштирилди. Биринчи босқичда завод “Шёлково Агрохим” АЖнинг Давлат кимё комиссияси томонидан рухсат этилган ҳамда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги майдонларида фойдаланиладиган 30 дан ортиқ препаратиларни ишлаб чиқаради. **ЯНЧАР УЛЬТРА, МД; ОВСЮГЕН ЭКСТРА, МК; ГУМАТ КАЛИЙ СУФЛЕР; МЕДЕЯ, МЭМ; ТВИНГО, Сус.К** шулар жумласидандир.

«Шёлково Агрохим» АЖ матбуот хизмати.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 27 360 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6